

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 8 сон

2. Каримжонова В.А. Ўзбек тилида ўрин келишликли бирикмалар семантикаси: Филол.фанл.номз.... дисс.автореф. Тошкент, 1994.
3. Кучкартаев И.К. Семантика глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ): Автореф.дисс.... д-ра филол.наук. Ташкент, 1978.
4. Миртожиев М.М., Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида сўз валентликлари. Тошкент: 2011.
5. Миртожиев М.М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. Тошкент: Университет, 2007.
6. Миртожиев М. М. Гап бўлакларида семантик-синтактик номуносабатлик. Тошкент: Университет, 2008.
7. Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол.фанл.докт.... дисс.автореф. Тошкент, 2007;
8. Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент: Фан, 1989.
9. Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари: Филол.фанл.номз.... дисс.автореф. Тошкент, 1996.
10. Ҳакимов Қ. М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол.фанл.номз.... дисс.автореф. Тошкент, 1994.

АМЕРИКА РЕАЛИСТИК АДАБИЁТИДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИ ТАСВИРИ

Ганиева Орзигул Хайриддиновна, Ассистент
Садуллаев Феруз Бахтиёрович, Катта ўқитувчи
Бухоро давлат университети

Аннотация: Мақолада АҚШ реалистик адабиётининг ривожланиши, атоқли намояндлари асарларида инсон, унинг кечинмалари, инсон ва жамият муносабатлари тасвири муҳокама қилинган. Мазкур давр адабиётининг ўзига хос қирралари, адибларнинг инсон ва жамият муносабатлари тасвиридаги маҳорати америкалик ҳамда рус мунаққидларининг назарий тадқиқотлари мисолида ёритилган.

Калит сўзлар: реализм, танқидий реализм, роман, инсон, жамият, реалистик адабиёт, мунаққид.

ОПИСАНИЕ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ЧЕЛОВЕКОМ И ОБЩЕСТВА В АМЕРИКАНСКОЙ РЕАЛИСТИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Ганиева Орзигул Хайриддиновна, Ассистент
Садуллаев Феруз Бахтиёрович, Старший преподаватель
Бухарский государственный университет

Аннотация: В данной статье обсуждена развитие реалистической литературы США, человек, его переживания, описание взаимоотношений между человеком и общества. Свообразия литературы данного периода, мастерство писателей в описании взаимоотношений между человеком и общества освещена в примере теоретических исследований американских и русских литераторов.

Ключевые слова: реализм, критический реализм, роман, человек, общество, реалистическая литература, критик.

DEPICTION OF RELATIONS BETWEEN A PERSON AND SOCIETY IN AMERICAN REALISTIC LITERATURE

Ganieva Orzigul Khayriddinovna, Assistant
Sadullaev Feruz Bakhtiyorovich, Senior teacher
Bukhara State University

***Annotation:** In the article the development of American realistic literature, a person, his feelings, relations between a person and society are discussed. The peculiarities of the following literary period, writers' skills in the description of relations between a person and society are analyzed in the example of American and Russian critics' researches.*

***Keywords:** realism, critical realism, novel, person, society, realistic literature, critic.*

Инсон ва жамият муносабатлари тасвири азалдан бадиий адабиётда етакчи мавзулардан биридир. Ҳаёт бадиий асар асоси экан, ундаги эзгулик ва ёвузлик, яхши ва ёмон ўртасида борадиган кураш ҳам адиблар томонидан маҳорат билан тасвирланди. Ҳар бир халқнинг ана шу зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар ёритилган ўзига хос ва бетакрор адабиёти борки, Америка адабиёти улар ичида бой ҳамда такрорланмаслиги билан ажралиб туради. Айниқса, XX аср Америка реалистик адабиёти мураккаб ва драматик бўлиши билан бирга, сермахсул ва ранг-баранглиги билан ўзгача моҳият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида мазкур давр адабиёти ҳақида бир қатор асарлар, монографиялар, илмий мақолалар ёзилди, асосан рус ва америкалик мунаққидлар ўзларининг баҳсли фикрларини билдиришди. Таъкидлаш жоизки, барча ҳукмрон адабий йўналишлар ва методлар негизида инсон, унинг кечинмалари, жамиятдаги иллатларни фош қилиш масалалари турди. Америка реалистик адабиёти ҳам даб-дурустдан пайдо бўлиб қолмади, бир қатор адабий йўналишлар, ижтмоий курашлар натижаси ўлароқ вужудга келди ва Америка адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллади. Мазкур мақолада АҚШ реалистик адабиётининг ривожланиши, атоқли намояндалари асарларида инсон, унинг кечинмалари, инсон ва жамият муносабатлари тасвири муҳокамага тортилади.

Г. Храповицкая, М. Ладыгин ва В. Луковлар ўз асарларида XX аср Америка адабиёти ривожига тарихий шарт-шароитни тасвирлаётиб, бу жараёнда яратилган асарларни неоромантизм, натурализм ва танқидий реализм йўналишларига бўлган ҳолда ёритишди [7]. XIX аср охири – XX аср боши АҚШ ривожланиши капиталистик босқичдан империалистик босқичга ўтиши билан характерланди. Йирик монополияларнинг вужудга келиши, кичик бизнес вакилларининг улар томонидан аёвсиз синдирилиши ишчилар ва майда фермерлар аҳолининг оғирлашишига олиб келди. Монополиялар, ҳатто, маданият соҳасига ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилиб, санъатнинг капиталга хизмат қилишини таъминлашга уринишди. Адабиётда ҳам кескин кураш борди, ёш Америка танқидий реализми ва натурализи неоромантикларга қарши турди.

Америка неоромантик йўналиши Европа неоромантизмидан тубдан фарқ қилди. Биринчидан, унда бир хиллик кузатилмади, ўз ичига турфа хил йўналишлар ва адабий мактабларни қамраб олди, зид эстетик принципларга эга ҳамда умуман бир-бирига ўхшамаган ёзувчилар ижодини бирлаштирди. Иккинчидан, АҚШ неоромантиклари, асосан, ҳимоя ҳолатида бўлишди, уларнинг ижодидан ёш танқидий реалистларга қарши курашда фойдаланилди.

XIX асрнинг 70-йилларида вужудга келган “нафис реализм” мактаби Америка романтикларининг “Бостон мактаби” анъаналарига таянди. Улар реалист ёзувчиларга қарши чиқиб, “санъат фақат санъат учун” назариясини фаол ҳимоя қилишди ва ҳаётнинг ёрқин қирраларини тасвирлашни талаб қилишди [7]. Ушбу йўналиш намояндалари йирик монополиялар томонидан қўллаб-қувватланди, қўплаб нашриёт ва журналлар уларга хизмат қилди. Ҳатто, бу мактаб намояндалари орасида Уильям Дин Ҳоуэллс (William Dean Howells) сингари реал ҳаққониятни “нафис” тасвирлашга уринганларни ҳам топиш мумкин. Атоқли рус мунаққиди В.Богословский ўз асарида таниқли адабиёт намояндасига бундай таъриф беради [3]. Уильям Дин Ҳоуэллснинг XIX аср сўнги ва XX аср боши АҚШ адабиётида ёзувчи ҳамда мунаққид сифатида ўрни бекиёс. Бироқ Ҳоуэллс анча зид табиатли инсонлардан бири бўлди. Бир томондан, у санъатда реалистик принципларни ҳимоя қилиб, америкача ҳаққониятнинг баъзи қирраларини танқид қилди ва санъат халқга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади. Иккинчи томондан, Ҳоуэллснинг фикрича, атрофидаги ҳаёт ҳақиқатига ҳар тарафлама тик боқа олган ёзувчигина чинакам америкалик реалист бўла олади. Ҳоуэллс Америка жамияти ҳар қандай зиддият ва фожиалардан холи, АҚШ – юксалиш ва имкониятлар мамлакати дея, уқтирди. Бироқ Г. Храповицкая Ҳоуэллс ижодида “нафис реализм”нинг кучли таъсири сезилса ҳам, баъзи ўринларда адибнинг бу анъаналардан чекиниб, танқидий реализмга ўтганлигини, таъкидлайди [7]. Мунаққид Ҳоуэллс романларида йиллар давомида кучайиб борган америкача ҳаққониятнинг реал тасвири акс эттирилганини уқтиради.

Peter В. High рисоласида 1875 йилга келиб, Америка ёзувчилари реализмга қараб ҳаракат қила бошлаганларини ёзади [9]. Бунинг исботини Марк Твен ва Брет Гартлар ижодидаги ҳаётий эпизодлар тасвирида кўриш мумкин. Аммо Марк Твен ҳикояларида реалистик бўлмаган қирралар ҳам кўзга ташланади, шунинг учун уни соф реалист деб атаб бўлмайди, дейди адабиётшунос. Ҳоуэллс Америка реализми илк назарийчиларидан бири сифатида эътироф этилади. Унинг бир қатор издошлари бўлиб, унинг бошчилигида мамлакат адабиётида реализм асосий йўналишларидан бирига айланди. 1891 йилда у Нью-Йорк шаҳридаги “Ҳарперс Мансли” (Harper’s Monthly)нинг бош муҳаррири бўлгач, у журнални адабий романтизмга қарши қуролга айлантиради, чунки Ҳоуэллс бундай асарлар китобхонга ҳаёт ҳақида ёлғон тушунча етказди, деган фикрда эди. Муҳаррир сифатида у Ҳамлин Гарленд (Hamlin Garland) ва Стефен Крейн (Stephen Crane) сингари ёш романнависларни қўллаб-қувватлай олди. Шунингдек, у Марк Твен (Mark Twain) ҳамда Ҳенри Жеймс (Henry James) каби адибларнинг ҳам дўсти, ҳам маслақдоши бўлди.

Хоуэллс ўзининг реалистик қарашларини романларида акс эттирди. Унинг дастлабки асарларидан бири “A Modern Instance” (“Замонавий мисол”) (1882) романининг мавзуси оммани ҳайратга солди. У ҳеч қачон очиқчасига муҳокама қилинмаган ва ёзилмаган ажрашиш масаласи ҳақида эди. Романнинг қаҳрамонлари жуда мураккаб ва романтикадан йироқ ҳолда тасвирланди. Муаллиф уларнинг ташвишлари ва бахтсизлигида жамиятни айбдор қилиб кўрсатади. Хоуэллс кейинги бир неча асарларида ҳам шу руҳда давом эттирди.

Неоромантизм эстетикаси бир қатор “нафис реализм” мактабига ижоди тааллуқли бўлмаган адибларнинг ҳам ижодида намоён бўлди. Йирик неоромантик ёзувчи Амброс Бирс (Ambrose Bierce) ижодида ҳам Хоуэллсда кузатишган қарама-қаршилик устунлик қилди. Насрнинг кичик жанрларидан бири бўлган ҳикоя жанри моҳирларидан бири саналган Бирс ошқора реалистик анъаналар тарафдори сифатида Америка жамиятини осуда ва хотиржам деб ҳисобламас, ҳукмрон жамият ҳақида салбий фикрларини кескин ифодалади. Бироқ адиб мавжуд жамиятнинг ўзгаришига ишонмас, шу боисдан реалистик принципларни тўлиқ қабул қилмади, асарларида Н.Ҳосорн ва Э.А.По каби романистлар анъаналарини давом эттирди.

Ҳар бир ижодкорнинг асарларида неоромантизмнинг алоҳида хусусиятлари ижобий роль ўйнади, муаллиф сифатида ўз фикрларини баён қилишда ёрдам берди. Умуман олганда бу йўналиш АҚШ адабиётида салбий таъсирга эга бўлди. Айнан шу йўналиш туфайли бир қатор роман жанрлари пайдо бўлдики, уларда жамият инсон муваффақияти учун идеал этиб тасвирланди. Неоромантиклар танқидий реализмга қарши шафқатсиз кураш олиб боришди, унинг ривожига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилишди.

XX асрни Теодор Драйзер ўзининг “Бахтиқаро Керри”си билан очиб берди. Бу даврда адабиётдаги реалистлар ижодида ижтимоий тенгсизлик, зулм ва ҳақсизликни фош этиш бош мақсад қилиб қўйилди. Қашшоқлик ва очлик учун курашда адабиёт биринчи ўринга кўтарилди. XX асрда адабий жараён ҳам тезлашди, кўплаб янги адабиёт намояндалари пайдо бўлди, дабдабали мурожаатномалар қабул қилинди. XX асрнинг биринчи ярмида АҚШ адабиётида катта умумлашмаларга интилиш кучайди, буни Теодор Драйзернинг “Америка фожеаси” романи мисолида кузатиш мумкин. Танқидий реализм йўналишида Ҳерберт Спенсер фалсафий қарашларининг таъсири сезиларли эканлиги кўзга ташланди. Спенсер эволюционизмининг таъсири Драйзернинг “Истак трилогияси” ва Жек Лондоннинг бир қанча асарларида ўз аксини топди. АҚШ адабиётида новелла жанри XIX асрдаги мавқебини йўқотди. Унинг ўрнини реалистик роман эгаллади. Шу билан бирга, бир қатор ёзувчилар фақат новелла жанрида ижод қилди. Шундай ёзувчилардан бири О.Ҳенридир. У Америка адабиётида “бахтли якун” (“happy end”)нинг асосчиси бўлди ва новелла жанрининг янги йўналишини белгилаб берди.

Аср бошидаги 20-30-йилларда эса АҚШ реалистик адабиёти ривожига юқори нуқталарга етди. Шу боисдан, Я. Засурский бу икки ўн йилликни бадий адабиётда иккинчи уйғониш даври деб атади [5]. Бу жараёнда яратилган асарлар ижтимоий муаммоларнинг кескин ёритилиши, миллий руҳ, халқ дарди ва жамиятдаги адолатсизликга қаратилган ғояга эгаллиги билан аҳамиятли бўлди. Бу давр

асарларида реализм ва танқидий реализм анъаналари етакчилик қилди. Таниқли намояндалари сифатида Теодор Драйзер, Жек Лондон, Френсис Скот Фицжералд, Эрнест Хемингуэй, Уильям Фолкнер, Жон Дос Пассос ва Жон Стейнбек каби ёзувчилар келтирилади.

Carlsen, G. Robert эса АҚШ реалистик адабиёти ривожига юксак ҳисса қўшган муаллифлар қаторига Вилла Кейтер, Шервуд Андерсон, Кэтрин Анна Портер, Жеймс Тёрбер, Ф.Скот Фицжералд, Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй, Томас Вульф, Жон Стейнбек, Жесси Стюарт ва Ричард Райтларни келтиради. Атоқли рус мунаққиди Б.Гиленсон эса ўз рисоласида етакчи реалистлар сифатида Жек Лондон, Теодор Драйзер, Эптон Синклер, Шервуд Андерсон, Синклер Льюис, Жон Дос Пассос, Френсис Скот Фицжералд, Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй, Томас Вульф, Жон Стейнбек сингари ёзувчиларни қайд этади. Адабиётшунос ҳар бир миллат адабиётида бўлганидек, АҚШ адабиётида ҳам икки жаҳон уруши орасидаги йигирма йиллик давр “олтин аср” бўлганини таъкидлайди [4]. Булар 1920 ва 1930-йиллардир. 1920-йиллар “буюк ўн йиллик” (“big decade”) деб аталиб, бутун Америка адабиётида энг сермахсул даврлардан бири бўлди. Шервуд Андерсон ўзининг “янги наср”и билан, Южин О’Нил ўзининг “янги драма”си билан, бир қатор ёзувчилар асарларининг бой тематикаси ҳамда шаклий янгиликлари билан ушбу декада ривожига ҳисса қўшишди.

Драйзер ижоди Америка адабиёт ва танқидий реализмнинг чўққиси бўлиши билан бирга, АҚШ ҳаётидаги фожиавийликни кўрсата олган йирик санъаткордир. Уильям Фолкнер эса ўзига хос, бетакрор, энг кескин услуби билан инсон фожиаларини энг юксак гуманизм нуқтаи назаридан ёрита олди. Америка ҳаёти, тарихи реалликларини, танг вазиятларни ҳаққоний, қизиқарли тасвирлади. Унинг барча асарлари, уларнинг воқеалари, қаҳрамонлари ўзаро чамбарчас боғланиб кетади ва реализм, натурализм, модернизм унинг асарларида ёрқин, таъсирчан адабий-бадиий ҳодиса каби ҳайратга солади. Фолкнер Америка ва жаҳон адабиётига реал таъсир кўрсатди. Хемингуей жаҳон урушлари, турли мамлакатлар ва одамлар ҳақида ёзган бўлса, Фолкнер ўзининг аксарият асарларида АҚШнинг Миссиссипи штатининг Ёкнапатоф округи ҳақида ёзди. Хемингуейнинг 30-йилларнинг ўрталаригача бўлган асарларида у ташқи дунёга муносабатида зиддиятли ва индивидуалист ижодкорлигича қолади. Унинг қаҳрамонлари яшашга бўлган табиий эҳтиёжини қондириш мақсадида буржуа жамиятининг ваҳшийликка асосланган қонунларига таяниб ўзини ҳам аямайди, бошқаларга ҳам шафқат қилмайди. Ҳатто одам ўлдиришгача бориб етади. У фақат ўзининг шахсий кучига ишонади.

Ўзбек адабиётшуноси А.Қозихўжаев ўзининг “Қисса жанри хусусида” мақоласида ўзбек қиссачилиги билан бир қаторда, жаҳон намуналаридан энг мукамалларидан бири сифатида Эрнест Хемингуейнинг “Чол ва денгиз” асарини келтиради. Жаҳон адабиётида Хемингуейнинг “Чол ва денгиз” асарини йигирманчи аср қиссачилиги чўққиларидан бири дейиш мумкин, дея таъкидлайди мунаққид [8]. Назарийчи Америка реализми намоёндаларидан бири ҳисобланган муаллиф ушбу асарида шафқатсиз реализм йўлидан бормасдан, мажозий услубдан фойдаланганини, ҳаёт ҳақиқати муаллиф кашф этган дунёда тасвирланишини қайд

этади. Инсон ва дунё, инсон ва эътиқод, инсон ва кураш мавзулари қисса моҳиятига сингдириб юборилади. “Инсонни парчалаб ташлаш мумкин, лекин енгиб бўлмади” - деган бош сўз атрафида барча ҳаракатлар, тасвирлар, манзаралар, қиёфалар, характерлар, сўзлар бирлашади ва санъат асарининг мукамал кўриниши кўз олдимизда гавдаланади.

Хулоса қилиб айтганда, Америка реалистик адабиёти узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. XIX аср сўнгидан бошланган ҳаракатлар реалистик адабиёт сари етаклади. Ўзининг асарлари билан Уильям Дин Ҳоуэллс реалистик адабиёт ривожини учун тамал тошини қўйди. Шунингдек, Вилла Кейтер, Шервуд Андерсон, Кэтрин Анна Портер, Жеймс Тёрбер, Ф.Скот Фицжералд, Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй, Томас Вульф, Жон Стейнбек, Жесси Стюарт сингари ёзувчилар асарларида ижтимоий тенгсизлик, зулм ва ҳақсизлик, инсон ва дунё, инсон ва эътиқод, инсон ва кураш, Америка ҳаёти, реалликларини, танг вазиятларни ҳаққоний, қизиқарли тасвирлашди. Бу билан АҚШ реалистик адабиётини жаҳон адабиётидаги энг сермаҳсул миллий адабиётлардан бирига айлантиришди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Андреев Л.Г. и др. Зарубежная литература XX века. - М.:Высшая школа, 2004. - С.559.
2. Батулин С. С. “Джон Стейнбек и традиции американской литературы” М.: Художественная литература, 1984. - С.354
3. Богословский В., Гражданская З. Зарубежная литература XX века. I (1871 – 1917). - М.: Просвещение, 1979. - С. 351.
4. Гиленсон Б. История литературы США. – М.: Academia, 2003. – С. 704.
5. Засурский Я.Н. Американская литература XX века.-М.: МГУ, 1984. - С.504.
6. Carlsen, G. Robert. American literature, a chronological approach. – USA.: Treasury, 1985. -P. 878.
7. Храповицкая Г., Ладыгин М., Луков В. Зарубежная литература XX века. Хрестоматия т. I (1871 – 1917).- М.: Просвещение, 1981. -С. 638.
8. XX аср ўзбек адабиёти масалалари. Профессор Н.Ф.Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. - Т: Фан, 2012. - Б.248.
9. High, Peter B. An Outline of American literature. – USA.: Pearson Education, 2000. - P. 256.

O'ZBEK HIKOYALARINING INGLIZ TILI TARJIMASIDA GRAMMATIK TRANSFORMATSIYALAR

Rano Kasimova Rakhmatulloevna,
Buxoro davlat universiteti,
filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),
Ingliz adabiyoti kafedrasida dotsenti
(ranokasimova77@mail.ru)
Aziza Ziyadullayeva Akmalovna,
Buxoro davlat universiteti,
Xorijiy tillar fakulteti bitiruvchisi

26	Туркистонда жадиdчилик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланишида маҳмудхўжа беҳбудийнинг ўрни Мустафаев Ж. Ш	159
27	Экологик тарбия - соғлом авлод келажагининг муҳим омили сифатида Қиличев Ф.....	165
28	Миллий-маънавий хавфсизлик тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий талқини Мирахмедов Ж.М	171
29	Бузғунчи ғоя ва мафқураларнинг тарихий кўриниши Юлдашева М.М	174
30	Абу Наср Форобий асарларида динга муносабат ва унинг фалсафий моҳияти Юсубов Ж. К	179
31	Глобаллашув шароитида шахс инновацион типининг ўзига хос хусусиятлари. Суннатов Н Б	182
32	Тасаввуф тариқатларида халқ билан мулоқот қилиш муаммолари Саматов Х У	186

10.00.00
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

33	Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий ва адабий меросини ўрганиш Арипова А.Х	195
34	Нофилологик отмда инглиз тили ўқитиш жараёнида талабалар мотивациясини ривожлантириш масаласининг тутган ўрни: жорий амалиёт таҳлили Саматова Б.Р	202
35	Ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семемали лексемаларнинг валентлиги Рахматуллаева Д.Ш	210
36	Америка реалистик адабиётида инсон ва жамият муносабатлари тасвири Ғаниева О. Х, Садуллаев Ф.Б,	215
37	O`zbek hikoyalarining ingliz tili tarjimasida grammatik transformatsiyalar Kasimova R R, Ziyadullayeva A.A,.....	220
38	Баҳолаш категориясининг умумий белгилари. Мансурова Г.М.Файзиева К.А.....	227
39	Инглиз тилидаги ўзлаштирилган ҳарбий лексика диахроник аспектда Курганов А.М	230
40	Интегратив машқлар фанлараро алоқадорликни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида Мухитдинова Х.С	235
41	Викториан инглиз адабиётида ижтимоий роман жанри тадрижи Муҳаммедова Х. Э	240
42	Ўзбек адабиётида тарихий асар илдизи Икромхонова Ф.И	245
43	Композита ясовчи бирликларнинг луғат леммалари сифатида берилиши (Немисча-Ўзбекча луғатлар мисолида) Санакулов З.И	251